

**“Конвин” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
_____сонли БАЁННОМАСИ**

Ғазалкент шаҳри

2022 йил “26” март

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: **“Конвин” акциядорлик жамияти** (кейинги ўринларда - Жамият) **маъмурий биносидаги мажлислар залида** (*Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48 уй*)

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони – 1 058 752 та.

“Конвин” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (кейинги ўринларда матн давомида - Йиғилиш) Жамият кузатув кенгаши томонидан 2022 йил 24 февралда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – 18.03.2022 й.

Йиғилишни Жамият кузатув кенгаши аъзоси Р.Ч. Таджиев ва Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Ш.Раимбековга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Марказий депозитарий томонидан 2022 йил 18 март ҳолатига шакллантирилган “Конвин” АЖ акциядорлар реестрига мувофиқ, Йиғилишда овоз бериш учун 191 та акциядорга тегишли 1 058 752 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 770 600 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 3 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 72,78% ни ташкил этади.

Шундан сўнг, Р.Ч. Таджиев умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга мурожаат қилди. Р.Ч. Таджиев 3 (уч) кишидан иборат қуйидаги таркибда Йиғилиш президиумини сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан Р.Ч. Таджиев – Кузатув кенгаши аъзоси, Н.М.Камбаров – кузатув кенгаши аъзоси, Ш.Шораев – Жамият бошқарув раиси в.в.б. номзодлари таклиф этилди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган қарор:

Йиғилиш президиуми қуйидаги таркибда сайлансин:

Р.Ч. Таджиев – Кузатув кенгаши аъзоси, А.Н.М.Камбаров – кузатув кенгаши аъзоси, Ш.Шораев – Жамият бошқарув раиси в.в.б.

Шундан сўнг, Йиғилиш раислигига Р.Ч. Таджиев тасдиқланди.

Йиғилиш раиси Р.Ч. Таджиев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. “Конвин” АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.**
- 2. “Конвин” АЖ санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**

3. “Конвин” АЖнинг 2021 йилги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш.

4. “Конвин” АЖ кузатув кенгашини қайта сайлаш.

5. “Конвин” АЖ жамият тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Йиғилиш раиси Р.Ч. Таджиев чиқиб, “Конвин” АЖ (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди.

- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун – 5 дақиқа;
- кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун – 5 дақиқа.

Мазкур таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 770 600 та овоз, Қарши – 0 та овоз; Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлансин.

- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун – 5 дақиқа;
- кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун – 5 дақиқа.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Йиғилиш раиси Р.Ч. Таджиев чиқиб, Жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзоларини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

1. Ш. Раимбеков – “Конвин” АЖ бўлим бошлиғи;
2. А. Халтаев - “Конвин” АЖ ходими;
3. Н. Абдуллаева – “Конвин” АЖ ходими.

Мазкур таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 770 600 та овоз, Қарши – 0 та овоз; Бетараф – 0 та овоз.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Ш. Раимбеков – “Конвин” АЖ бўлим бошлиғи;
2. А. Халтаев - “Конвин” АЖ ходими;
3. Н. Абдуллаева – “Конвин” АЖ ходими.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 10 - моддасига мувофиқ акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши кераклигини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киришини маълум қилди.

Шунга кўра, Жамият ижроия органи томонидан Жамиятнинг 2021 йил молиявий - хўжалик фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш мақсадида Давлат харидлари порталига эълон берилган ҳамда Жамият манзилига эълонда кўрсатилган муддат тугашига қадар Танловда иштирок эътиш учун 2 та аудиторлик ташкилотидан расмий таклиф тушди:

“OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (16,0 млн. сум);

“SMART AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (20,0 млн. сум).

Муҳокамадан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Мазкур таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаб – 770 600 та овоз, Қарши – 0 та овоз; Бетараф – 0 та овоз.

Овоз бериш натижаларига кўра йиғилиш қарор қилди:

1. Жамиятнинг 2021 йилги молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин ва унинг хизмат ҳақи 16,0 млн. сўмгача қилиб белгилансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Р.Ч. Таджиев сўзга чиқиб, Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш учун Жамият акциядори “Qamxar” МЧЖнинг 15.02.2022 йилдаги 37/1 - сонли билан Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилганлигини ўқиб эшиттирди ва тасдиқлаш учун Жамият акциядорларига қуйидаги номзодларини таклиф этди:

Кузатув кенгаши таркибига:

- | | |
|--|---------------------------|
| 1. Таджиев Рустам Чингизович | “Qamxar” МЧЖ таъсисчи; |
| 2. Камбаров Насир Музрафович | “Qamxar” МЧЖ таъсисчи; |
| 3. Мамахалилов
Отабек Қурбоналиевич | “Qamxar” МЧЖ директори; |
| 4. Юсупов Маъруп Махмудович | “Marelli” МЧЖ директори; |
| 5. Исмаилов Атхам Зиямович | “Qamxar” МЧЖ цех бошлиғи. |

Овоз бериш натижалари: Кузатув кенгаши таркибига:

Т/р	Ф.И.Ш.	Овозлар сони
1.	Таджиев Рустам Чингизович	- 770 600
2.	Камбаров Насир Музрафович	- 770 600
3.	Мамахалилов Отабек Қурбоналиевич	- 770 600
4.	Юсупов Маъруп Махмудович	- 770 600
5.	Исмаилов Атхам Зиямович	- 770 600

Қабул қилинган қарор:

Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

Т/р **Ф.И.Ш.**

1. Таджиев Рустам Чингизович
2. Камбаров Насир Музрафович
3. Мамахалилов Отабек Қурбоналиевич
4. Юсупов Маъруп Махмудович
5. Исмаилов Атхам Зиямович

Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан йиғилиш раиси Р.Ч. Таджиев сўзга чиқиб, Жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига кумулятив овоз бериш учун Жамият акциядори “Qamxar” МЧЖнинг 15.02.2022 йилдаги 37/1 - сонли билан Жамият тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилганлигини ўқиб эшиттирди ва тасдиқлаш учун Жамият акциядорларига қуйидаги номзодларини таклиф этди:

Тафтиш комиссияси таркибига:

1. Тохиров
Камолиддин Комилжон ўғли “Qamxar” МЧЖ директор ўринбосари;
2. Махаммадкаримов
Шахзод Фахриддин ўғли “Qamxar” МЧЖ тайёр маҳсулот омбори мудир;
3. Одилов
Комилжон Тохирович “Qamxar” МЧЖ қуйиш цехи бошлиғи.

Ўқлаб – 770 600 та овоз, 100%, қабул қилинди.

Қарши – 0; Бетараф – 0.

Қабул қилинган қарор:

Жамият тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Тохиров
Камолиддин Комилжон ўғли “Qamxar” МЧЖ директор ўринбосари;
2. Махаммадкаримов
Шахзод Фахриддин ўғли “Qamxar” МЧЖ тайёр маҳсулот омбори мудир;
3. Одилов
Комилжон Тохирович “Qamxar” МЧЖ қуйиш цехи бошлиғи.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилингандан сўнг, йиғилиш раиси Р.Ч. Таджиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

Р.Ч. Таджиев

Баённома 2022 йил “30” мартда тузилди.